Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 24 март, № 59 (7839) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО КОНСУЛЬТАНТЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 март куни халқаро консультантлар — Альфред Гузенбауэр, Александр Квасьневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Халқаро консультантлар гуруҳининг асосий вазифаси мамлакатимизнинг Евроиттифоқ давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш ва кенгайтириш, ислоҳотлар дастурини амалга оширишда хорижнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, Европа ишбилармон доиралари билан шериклигининг самарали механизм ва воситаларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, турли йилларда юксак давлат лавозимларини эгаллаган консультантлар бугунги кунда Европадаги расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доираларида юқори халқаро нуфузга эга бўлиб, етакчи консалтинг, инвестиция ва саноат компанияларида ишлаб, салмоқли тажриба тўплаганлар.

Хусусан, “Gusenbauer Projektentwicklung & Beteiligung” консалтинг компаниясининг таъсисчиси Альфред Гузенбауэр 2000-йилларда Австрия Федерал канцлери бўлиб фаолият юритган. “Amicus Europae” фонди раҳбари Александр Квасьневский Польша Президенти бўлган. Бугунги кунда “CITIC Europe Holdings” компанияси маслаҳатчиси сифатида фаолият кўрсатаётган Штефан Фюле Европа Иттифоқининг кенгайиш ва яхши қўшничилик сиёсати масалалари бўйича комиссари лавозимида муваффақиятли ишлаган.

Учрашувда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва институционал жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар дастурини юқори баҳоладилар ва тўлиқ қўллаб-қувватладилар. Айниқса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ютуқлари ва аниқ натижалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви сари сезиларли саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Консультантларнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг узоқ муддатли стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтиришга доир тавсиялари кўриб чиқилди.

Юртимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг шаффофлигини ошириш, бозор механизмларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш, банкмолия соҳаси ва капитал бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Консультантлар, шунингдек, иқтисодиётнинг изчил трансформация қилинаётгани ва хорижий капитал учун очиқлиги ортаётгани туфайли Евроиттифоқ мамлакатлари билан инвестиция ва инновациялар борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар шакллана ётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасини сақлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш ҳамда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Савдони либераллаштириш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестицияларни кўпайтиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш, бозорларга чиқиш масалаларида ҳамкорлик қилиш механизмлари ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунида яқин ҳамкорлик ва фаол алмашинувларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди. Яқин истиқболдаги амалий ҳамкорликнинг биринчи галдаги вазифалари ва формати келишиб олинди.

ЎзА.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА 812 ТА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 март куни Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг охирида, 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятида бўлиб, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, инфратузилма иншоотлари қуриб, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берган эди. Тақдимотда, аввало, шу борада бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Айтиб ўтилганидек, жорий йилнинг январь — март ойларида 188 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 726 та иш ўрни яратилган. Сув тежовчи технологияларни татбиқ этиш орқали 4 минг гектарга яқин ер фойдаланишга киритилган. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали ташкил қилинган. Амударё устида янги темир йўл кўприги қурилиши бошланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Вилоятдаги силжишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йил учун 812 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Умумий қиймати 1 миллиард 320 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳаларнинг 770 таси ҳududий, 42 таси тармоқларники.

Соҳалар бўйича айтганда, уларнинг 273 таси саноат, 277 таси хизмат кўрсатиш, 262 таси қишлоқ хўжалигига оид. Бу лойиҳалар натижасида 23 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этиш, 65 миллион долларлик товар ва хизматлар экспорт қилиш мўлжалланган.

Тўқимачилик, автомобилсозлик, электр техникаси ва озиқ-овқат саноати, туризм, хизматлар, иссиқхона хўжалиги Хоразм вилоятининг асосий “ўсиш нуқталари” сифатида белгиланган.

Масалан, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 49 та лойиҳа таклиф этилган. Уларнинг самарасида вилоятда етиштирилаётган пахтани қайта ишлаш даражаси 2 баробардан зиёд ўсиб, айрим кўрсаткичлар бўйича 100 фоизга етади. Хусусан, калава ип тайёрлаш қуввати 47 минг тоннадан 104 минг тоннага, мато ишлаб чиқариш 9 минг тоннадан 49 минг тоннага, тайёр кийимкечаклар 47 миллион донадан 152 миллион донага ортади. Шундай корхоналар жорий йилда Қўшкўпир, Шовот, Янгиариқ, Боғот туманларида ишга тушади.

Автомобилсозликда 100 турдаги кузов деталлари, турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилади. Бу маҳсулотлар 20 миллион долларлик импорт ўрнини босиши билан аҳамиятли. Натижада Питнакдаги заводнинг локализация даражаси 36 фоиздан 45 фоизга чиқади.

Қурилиш материаллари саноатида 85 та лойиҳа режалаштирилган. Масалан, Урганч шаҳрида газоблок, керамик плита, гипсокартон ишлаб чиқарилади, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасида гулқоғоз тайёрлаш лойиҳаси кенгайтирилади.

Мазкур эркин иқтисодий зонада электр двигателлар, Хива шаҳрида гилам ва полипропилен иплар ишлаб чиқариш корхоналари ҳам ишга туширилади.

Қишлоқ хўжалигида ерларни лазер ёрдамида текислаш ва томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш бўйича ишлар бошланган. Бу орқали пахтачиликда ҳосилдорликни 35 центнерга, ғаллачиликда 66 центнерга етказиш мақсад қилинган.

Маълумки, Хоразм гуручининг донғи кетган, унга бозорда талаб доим юқори. Лекин вилоятда ер ва сув имкониятлари чеклангани сабабли шолини исталганча экиб бўлмайди. Шу боис яхши нав танлаш ва хориж технологияси асосида экиш орқали бор ердан кўп ҳосил олиш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун Хитойдан Хоразм тупроқ-иқлим шароитига мос навлар келтирилади. Ўтган йилгича майдонда, лекин ундан 50 минг тонна кўп маҳсулот олинади. Бу 684 миллиард сўм қўшимча даромад деганидир. Қолаверса, бу омилкорлик натижасида йилига 113 миллион куб метр сув тежалади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 151 минг тонна кўп мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Шунингдек, чорва сонини кўпайтириш бўйича 20 та, паррандачилик йўналишида 24, балиқчиликни саноат усулида ривожлантириш бўйича 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Тақдимотда туризм, энергетика, чарм-саноат, заргарлик, қурилиш соҳасига доир лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур режаларни маъқуллаб, шу билан бирга қўшимча лойиҳаларни шакллантириш вазифасини қўйди. Маҳаллаларда “ўсиш нуқталари”ни топиб, иш ўринларини кўпайтириш, уларга ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жойлаштириш, ўзини ўзи банд қиладиган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан топшириқлар берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, БУ БОРАДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизими ислоҳ қилиниб, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, айрим турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, маъмурий тартиб-таомиллардан ўтиш муддатлари сезиларли равишда қисқартирилди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган бир қатор маълумотномалар бекор қилинди.

Шу билан бирга, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа давлат ташкилотларида эскирган бюрократик тартиботлар, шу жумладан, электрон тизим орқали олиш имконияти мавжуд бўлган маълумотларни қоғоз кўринишида сўраб олиш, иш фаолиятини ташкил этиш учун муҳим бўлмаган ҳужжатларни талаб қилиш натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини овора қилиш амалиёти сақланиб қолмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида:

1. **2021 йил 1 июндан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш **экстерриториал тамойил** асосида амалга оширилади;

нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан **мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, “ФҲДЁнинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади**;

тадбиркорлик субъекти бўлган **юридик шахсларга** давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йиғим ва давлат божи тўловларини тўлашда уларнинг вакили томонидан **нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилади**;

(Давоми 2-бетда).

Ҳаётга теран назар ташламоқ керак



Мушоҳада

Инсон қўлидаги неъматларга шукр қилар экан, барака кираётганига гувоҳ бўлади. Нолиш, инкор қилиш билан эса боридан ҳам айрилиши муқаррар. Етти мучаси соғ одам бугун меҳнат қилиш ўрнига нолиса, шифохонага бориб беморларнинг ҳолини кўрсин. Уй-жойлари торлигидан ёзғираётганлар уй-жойсиз, сарсон-саргардон юрганларга боқсин. “Автомобилим эски” деяётганлар машинаси йўқларга, улови йўқлар эса оёғи йўқларга назар солиб, хулоса қилсинлар. Шундай юртда тинч-омон тонг оттираётганимизга шукр қилмоқ лозим.

Тўғри, ҳаётимизда балки нимадир кўнгилдагидек эмасдир ёки юртимиз янги ривожланиш йўлига ўтаётган бир пайтда қандайдир етишмовчиликлар бўлаётгандир. Бу табиий ҳол. Муҳими — ана шу камчиликларни бартараф қилиш йўлида қатъий чора-тадбирлар олиб бориляпти. Изланиш давом этмоқда.

4

Муносабат

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

Наврўз байрами дунё бўйлаб кенг нишонланди. Кўплаб давлатларда кўтаринки шукуҳ ва қувонч билан тантана қилинганидан ҳам билса бўладики, бу байрам умумиинсоний қадриятларни тараннум этади. Давлатимиз раҳбари табригида ҳам бу жиҳатга алоҳида урғу берилди.

Пандемия бизнинг турмуш шароитимизни, яшаш тарзимизни маълум даражада ўзгартирган бўлиши мумкин, бироқ олдимизга қўйган мақсадларимизни, ёрқин келажак учун белгилаб олган режаларимизни ўзгартиролмаслигига бугун яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Президентимиз табригида Ўзбекистон халқи ўзи белгилаб олган йўлдан ортга қайтмаслигини, бор имкониятини ишга солиб, олға интилишини таъкидлаб ўтди. Албатта, кўзланган мақсадларга эришишда азму шижоатли ёшларнинг ўрни алоҳидадир.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури доирасида бу йил навқирон авлод тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ресурс сифатида, имтиёзли кредит асосида ажратилади.

2

СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Маҳалла — миллий урф-одат ҳамда қадриятларимиз, боқий анъаналаримиз асраб-авайланадиган, эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ҳамда ҳамжиҳатлик масканидир. Шу боис ўтган давр мобайнида ушбу ноёб институтни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ҳамда ролини оширишга қаратилган кенг кўламли, пухта ўйланган ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу йил юртимизда илк бор 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни сифатида нишонланди. Президентимиз Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табрик йўллаб, уларни самимий муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбарининг табриги ушбу соҳа фаоллари томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Раҳмат МАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири:

— Президентимиз томонидан маҳалла тизимига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижасида бугун соҳа ривожида туб бурилиш даври бошланди, десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, 22 март санасининг “Маҳалла тизими ходимлари куни” сифатида белгиланганини барчамизга катта ғурур бағишлайди. Бу байрам — соҳа фидойиларига кўрсатилган юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

2

Олий Мажлис Сенати

ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Америка Қўшма Штатлари Конгресси Хотин-қизлар кокуси вакиллари билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, мамлакатимизнинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Ваҳобов, Пуэрто-Риконинг Конгрессдаги вакили, АҚШ Вакиллар палатасининг транспорт ва инфратузилма, илмфан ҳамда технологиялар ва табиий ресурслар бўйича қўмиталари аъзоси Ж. Гонсалес-Колон, Вакиллар палатасининг суд иш юритуви, миллий хавфсизлик ва бюджет масалалари бўйича қўмиталари аъзоси Ш. Жексон Ли, Вакиллар палатасининг ташқи ишлар, бюджет ва таълим ҳамда меҳнат масалалари бўйича қўмиталари аъзоси И. Омар иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий ва сармоявий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва муносабатларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга тарихий ташрифи туфайли парламент аъзоларининг икки томонлама мулоқоти янада фаоллашди ва доимий тус олмоқда.

Мулоқот давомида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига бўлган очиқлик сиёсати ҳамда парламент юқори палатасининг фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Конгрессвуменлар фикрича, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тўлиқ ҳамда тенг иштирок этиши учун қулай шароитлар яратилган.

АҚШ томони Марказий Осиё мамлакатлари аёл раҳбарлари билан мулоқотни йўлга қўйишда Ўзбекистоннинг етакчи ролини олқишлади. Бу хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида минтақавий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

ЭЗГУЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

Улуғ айём — Наврўз умумхалқ байрами арафасида Президентимизнинг озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 140 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги Фармони имзоланди.

Акс садо

Фармонга кўра афв этилганларнинг 79 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилинган, 2 нафар маҳкумнинг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган, 59 нафарининг қамоқ муддатлари қисқартирилган. Афв этилганларнинг 13 нафари аёллар, 9 нафари 60 ёшдан ошган шахслар, 12 нафари эса чет эл фуқаролари.

2016 — 2020 йиллар давомида давлатимиз раҳбари томонидан жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган салкам 4,8 минг шахсни афв этиш тўғрисидаги 15 та Фармон имзоланган ва буни 1991 — 2015 йиллар давомида ҳаммаси бўлиб 300 дан ортиқ маҳкумлар афв этилганлиги билан солиштирадиган бўлсак, бундай юксак инсонпарварлик актларининг моҳиятини англаб олиш мушкул эмас.

Президентимиз сиёсий йўлининг асосий тамойиллари ҳозирги замонавий сиёсатда шакланиб бораётган янги ва амалий инсонпарварлик мафкурасининг устуни, деб ишонч билан айтиш мумкин.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, БУ БОРАДА БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхона ходимини аккредитация қилишда унда одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификатни талаб қилиш амалиёти **бекор қилинади**;

давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, шунингдек, давлат хизматини тезлаштирилган тартибда кўрсатиш учун қўшимча тўланган йиғимлар суммаси (тезлаштирилган тартибда кўрсатилмаган тақдирда) **соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлигининг** (кейинги ўринларда — Агентлик) **бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир иш куни ичида қайтарилади**. Бунда қайтариб берилган маблағлар Агентлик томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотларидан регресс тартибида ундириб олинади;

давлат хизматини кўрсатиш натижасида бериладиган ҳужжатлар **QR-код** (матрик штрихли код) қўйиш орқали берилганда уларнинг **дубликатларини бериш тартиби бекор қилинади**. Бунда ушбу ҳужжатлар электрон шаклда **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали **чекланмаган миқдорда бепул олинади**.

2. Қуйидагилар:

Айрим турдаги маълумотлар ва электрон кўринишдаги ҳужжатларни "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда бериш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2021 йил 1 майдан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг хоҳишига кўра кўрсатилган давлат хизматининг натижаси почта алоқаси орқали етказиладиган давлат хизматлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров мазкур Фармонга 1-иловада кўрсатилган вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар** ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда уларнинг идоравий ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида мавжуд ва давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларнинг **"Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилинишини таъминласин**.

Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни рақамлаштириш, маълумотлар ҳамда электрон кўринишдаги ҳужжатларни муддатида бериш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин**.

4. Белгилансинки, **2021 йил 1 июндан** бошлаб давлат органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат ташкилотлари ва муассасалари томонидан аҳолидан, шу жумладан тадбиркорлик субъектларидан:

а) **қуйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни**:

руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги;

судланганлик;

манзил-маълумот ахбороти;

фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

тураржойнинг майдони;

солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги;

пенсия ва нафақа миқдори;

пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

б) **қуйидаги ҳужжатларни**:

шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати;

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари;

меҳнат дафтарчалари ва уларнинг нусхалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

иш ҳақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганликни тасдиқловчи архив маълумотномалари (фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида ушбу ҳужжатни "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплекси орқали олиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда сўраш бундан мустасно);

кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини **талаб қилиш бекор қилинади**.

Бунда давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш жараёнида ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда мазкур бандда назарда тутилган ҳужжат ва маълумотларни ушбу Фармонга **1-иловада** белгиланган масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда, шу жумладан **"Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали** сўраб олади.

Ушбу бандда кўрсатилган ҳужжат ёки маълумотларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳолидан талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш деб ҳисоблансин.

5. Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

2021 йил 1 майдан бошлаб хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш учун ариза-анкетани ва давлат божи тўловини **электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали** қабул қилиш имконини яратиш;

2021 йил 1 июндан бошлаб 16 ёшга тўлган шахсларга идентификация ID-карталари бериш уларни давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш ҳамда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш билан **бир вақтнинг ўзида амалга ошириш** тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан** фойдаланган ҳолда амалга оширишга ўтиш. Бунда, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш **бекор қилинади**.

Белгилаб қўйилсинки:

жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами барча давлат, банк, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқловчи **ягона идентификатор ҳисобланади**;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларни идентификация қиладиган алоҳида рақамларни юритиш тақиқланади.

6. Давлат солиқ қўмитаси Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 июлга** қадар:

Узбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мавжуд солиқ тўловчининг идентификация рақамини уларнинг **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** билан ўзаро боғлаш ишларини якунласин;

солиқ тўловчининг идентификация рақами мавжуд бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳамда Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар **жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами** орқали солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйилишини таъминласин.

7. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 июндан** бошлаб:

Агентлик **юридик шахсларни** (нодавлат нотижорат ташкилотлари, банклар ва кредит бюроларидан ташқари) **давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган ҳисобланади**;

давлат органлари ва ташкилотлари, юридик шахслар бирлашмалари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳамда адвокатлик тузилмаларини **давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан** амалга оширилади.

8. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат персоналлаштириш маркази ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси **2021 йил 1 майга** қадар ўзларининг ахборот тизимларини "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимига интеграция қилишни таъминласин. Бунда жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинган кундан бошлаб **10 кун** ичида:

Ички ишлар вазирлиги — вафот этган шахснинг фуқаролик паспорти ёки ID-картаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш ҳужжатлари, ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳисобдан чиқарилишини, агар фуқаро қидирувда бўлса, қидирув ва жиноят-процессуал ишларига (ҳужжатларига) тегишли маълумотлар киритилишини;

Мудофаа вазирлиги — вафот этган шахс ҳарбий рўйхатдан чиқарилишини;

Ташқи ишлар вазирлиги — вафот этган чет эл фуқаролари ва чет элда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар бўйича тегишли хорижий давлатга ёки унинг Ўзбекистондаги ваколатхонасига хабар берилишини;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги — вафот этган шахс ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги — вафот этган шахс "Ягона миллий меҳнат тизими" идораларо дастурий-аппарат комплекси ҳисобидан чиқарилишини;

Давлат солиқ қўмитаси — солиқ қарзи мавжуд бўлмаган вафот этган шахс солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан чиқарилишини;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси — вафот этган шахснинг дафн маросими учун бир марталик нафақа тайинланишини ва унга бошқа турдаги пенсия ва нафақалар ҳисобланиши тўхтатилишини;

Давлат хизматлари агентлиги — вафот этган якка тартибдаги тадбиркорнинг Тадбиркорлик субъектларининг Ягона давлат реестрида фаолияти тугатилган мақомига ўтказилишини таъминласин.

2021 йил 1 майдан бошлаб ФҲДЁ органларининг ушбу бандда белгиланган органларга жисмоний шахснинг ўлими қайд қилинганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш мажбурияти бекор қилинсин.

9. **2021 йил 1 июндан** бошлаб:

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан давлат статистика органларига **далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш** ва **ҳисоботларни топшириш амалиёти бекор қилинсин**.

Бунда давлат статистика органлари "ФҲДЁнинг ягона электрон архиви" ахборот тизимига ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилган ҳолда ушбу маълумотларни реал вақт режимида олади ва статистик ҳисоботларни шакллантиради;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни Агентлик ва давлат хизматлари марказларидан сўраш тўхтатилсин. Бунда мазкур ташкилотлар тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотларни **Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимидан мустақил равишда** олади.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

мазкур Фармонга 1-иловада назарда тутилган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда **икки ой муддатда** уларнинг **"Электрон ҳукумат" тизими** идораларо интеграциялашув платформасига уланишини ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотларига мазкур тизимдан фойдаланиш имкони яратилишини таъминласин;

уч ой муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларидан фойдаланишда ариза-сўровномаларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талабини бекор қилиш ҳамда идентификация қилишнинг замонавий воситаларини жорий қилиш орқали фойдаланувчиларга тизимга кириш ва ундан фойдаланиш учун қулай имкониятларни яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** фуқаролар томонидан ортиқча тўланган тўловлар, ваколатли идоралар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган ҳамда рад этилган мурожаатлар бўйича, шунингдек, тезлаштирилган тартибда давлат хизмати кўрсатилмаганлиги учун қўшимча ундирилган йиғимлар суммасини соддалаштирилган тартибда қайтариш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

айрим турдаги давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва оптималлаштириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ижроси бўйича барча зарур чоралар кўрилишини, мазкур Фармоннинг ўз вақтида ижро этилишида масъул ташкилотларга ҳар томонлама услубий ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин, шунингдек, **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига унинг амалга оширилиши жараёни тўғрисида батафсил маълумот тақдим этсин.

12. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров, адлия вазири Р.К.Давлетов ҳамда Давлат хизматлари агентлиги директори У.И.Мухаммадиев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 март

СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА БЎЛГАН ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

1

Бу ҳақда давлатимиз раҳбари юртимиз маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига йўллаган байрам табригида алоҳида урғу бериб, соҳа вакилларининг жамиятимизда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фидокорона хизматларини эл-юртимиз яхши билиши ҳамда юксак қадрлашини таъкидлади.

Биз ушбу илиқ фикрларни маҳалла фидойилари меҳнатига берилган юқори баҳо, деб қабул қилиб, келгусида ҳам шу эътирофга лойиқ бўлишга, албатта, биргаликда ҳаракат қиламиз. Зеро, ушбу табрикда таъкидланганидек, "Маҳалла обод бўлса — юрт обод бўлади. Маҳаллада ўзгариш бўлса — бутун жамият ўзгаради".

Айтиш жоизки, жорий йилда ушбу байрамни кенг нишонлаш ва юқори савияда ўтказиш мақсадида 22 — 28 март кунлари республикамиз миқёсида "Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги" ўтказилмоқда. Ушбу ҳафталик доирасидаги тадбирлар ҳамда халқ сайиллари жамиятимизда маҳалла институтининг ролини кучайтириш, ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларининг самарадорлигини янада оширишда муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Кутли КОШИМБЕТОВА,
Қўнғирот туманидаги "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси:

— Биз, маҳалла фаолларига йўлланган табрикдан, таъбир жоиз бўлса, бошимиз кўкка етди. Айтиш лозимки, бугун маҳалла тизимида ишлаш ўта масъулиятли, шу билан бирга, юксак шарафга айланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизни ҳаётдан рози қилишдек улуғвор мақсадга эришиш йўлида ислоҳотлар маҳаллабай асосда амалга оширилаётгани ўз натижаларини беряпти.

Айни чоғда ушбу тизим самараси ўлароқ, ҳудуддаги ҳақиқий вазиятнинг хонадонбай ўрганилиши аҳоли муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, унга ижобий ечим топишга ундамоқда. Айниқса, фуқаролар бандлигини таъминлаш, уларни меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш, аҳоли, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш, оилаларда касаначилик ҳамда томорқачиликни ривожлантиришда ушбу тизилманинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётир.

Табрикда таъкидланганидек, ўтган даврда маҳалла фаоллари томонидан 700 мингга яқин фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, 60 мингдан зиёд юртдошларимизни тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка жалб этиш, имконияти чекланган 754 мингдан зиёд оилаларнинг томорқаларидан самарали фойдаланишга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишларнинг ҳаётий натижасидир.

Албатта, агар маҳалла раиси етарли билим ва кўникмага эга бўлса, малакасини доимий ошириб борса, ўйлайманки, бу борадаги ишлар самарадорлиги янада ортади. Шу билан бирга, одамларнинг ишончини оқлаб, жойлардаги мавжуд муаммоларга ечим топилади. Бугун халқимиз биз, маҳалла раисларига катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Шундай экан, уларнинг юксак ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиш учун, энг аввало, амалий ишлар билан улар меҳрини қозониш, ишончини оқлаш йўлида тиним билмаймиз.

Холида РАҲИМОВА,
Андижон вилоятининг Бўстон туманидаги "Пиллакор" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари:

— Юртбошимизнинг маҳалла тизими ходимларига йўллаган байрам табригини тинглаб, шу эл-юрт учун хизмат қилиш катта бахт эканини яна бир бор юракдан ҳис этдим. Беихтиёр шу соҳада фаолият юритаётганимдан, одамларнинг қувончу ташвишларига шерик, уларнинг оғирини енгил қилиш йўлидаги меҳнатимдан қалбимда ифтихор туйғуларини туйдим.

Албатта, бугун маҳалла институти мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларга яқиндан кўмаклашиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда тобора ҳал қилувчи тузилмага айланиб бормоқда. Айниқса, хотин-қизлар муаммоларини чуқур ўрганиш, уларни ҳал этишда аёлларимизга кўмаклашиш ғоят муҳим.

Шу маънода, бизнинг маҳалламизда ҳам ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Изчил саъй-ҳаракатлар туфайли ишсиз бўлган кўплаб хотин-қизлар бандлиги таъминланган бўлса, яна ўнлаб аёлларни касб-ҳунарга ўргатдик.

Умуман, бугунги кунда маҳалламизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни тугатиш, фуқароларга ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш ва бошқа муҳим йўналишларга оид кўплаб ишлар амалга оширилмоқдаки, бунинг натижасида ҳудудимизда фойдаланилмаган имкониятлар юзага чиқаётир. Шу тариқа ҳар бир оилага алоҳида ёндашиб, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Юртбошимизнинг маҳалла фаолларига йўллаган байрам табриги эса бизни янада куч-ғайрат ва фидойилик билан фаолият олиб боришга ундайди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
("Халқ сўзи") ёзиб олди.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРАННУМИ

1

Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш масаласида ҳам имтиёзлар кўп. Аниқ мисолларда айтадиган бўлсак, кам таъминланган оилаларнинг қиз фарзандлари учун имтиёзлар ўтган йилгидан икки баробар оширилди, яъни 2 минг нафар кам таъминланган оила қизлари давлат гранти билан ўқишга кириш имкониятига эга бўлди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси аввалги йилларда тадқиқотчиларни йўлланма билан бошқа давлатларга малака оширишга жўнатган бўлса, бу йилдан бошлаб бакалавр, магистр ҳамда докторантура йўналишларида ўқиётган талабалар ҳам грант асосида хорижга бориб таълим олиш имкониятига эга бўлди. Буларнинг барчаси ғайрат-шижоатимизни ошириб, бизни янги-янги марраларга руҳлантирмоқда.

Акмал ЖУМАБОЕВ,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси.

ЭЗГУЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ИФОДАСИ

1

Давлатимиз раҳбарининг чиқишларида илгари сурилаётган ғоялар мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил этар эканмиз, жамиятда инсон энг асосий қадрият сифатида қадрланиши, давлат органларининг барча ресурси халқ манфаатлари учун хизмат қилишини яққол кўрамиз.

Фармонга кўра барча афв этилганларнинг оддий ҳаётга қайтиб, мослашиб кетишлари учун масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилган. Аввалам-бор, барчаларининг йиллар давомида соғиниб кутган фарзандлари ва оиласи бағрига қайтишини тасаввур қилиш қийин бўлмайди, бироқ бир томондан уларни нафақат оиласи, балки улар яшаб, фаолият юритган жамиятга қайтариш, қонун доирасида ҳуқуқларини тиклаш талаб қилинса, иккинчидан, бундай шахслар тўлақонли ижтимоий мослашуви учун шарт-шароитлар яратилиши муҳим.

Президентимизнинг 2020 йил давомида қабул қилган афв тўғрисидаги фармонлари глобал коронавирус пандемияси билан бир пайтга тўғри келса-да, жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 616 нафар шахснинг жамиятимизга тўлақонли ижтимоий мослашувини таъминлаш борасида барча чора кўрилди.

Давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган ҳар бир Мурожаатномасида тараққиётимизнинг муҳим глобал вазифаларини баён этиш баробарида, оддий фуқароларнинг хоҳиш-истаклари ҳамда манфаатларини бир зум бўлса ҳам ёдидан чиқармайди. Мамлакат раҳбари илгари сурган ташаббуслар фақат ва фақат халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш, юртимиз фуқароларининг хавфсиз ҳаёти асосларини таъминлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини тўлақонли амалга ошириш учун барча шарт-шароитни яратиш руҳи билан ҳамоҳангдир.

Адҳам ШОДМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ХАВФСИЗЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ

Хотиржамликка нима етсин. Фарзандларидан, яқинларидан кўнгли тинч одам бахтлидир. Бинобарин, инсон ҳаёти, умр йўллари бир текис эмас. Гоҳида фавқулодда ҳолатлар, ҳалокат ва табиий офатлар юз бермаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ана шундай кўнгилсизликларга биз доим тайёр туришимиз, иродамиз ва матонатимиз билан қатъий курашишимиз лозим.

Фикр

Албатта, бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Бунда бирорта жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаслиги, қонуннинг мукаммал ва тўлақонли бўлиши учун астойдил иш олиб борилди.

Барчамизга аёнки, кейинги пайтда дунё мамлакатлари билан бир қаторда республикамизда ҳам коронавирус инфекцияси (COVID-19) кенг тарқалиб, Ўзбекистон Республикасида фавқулодда чора-тадбирлар кўришни тақозо этди. Бу эса, ўз навбатида, миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда қонун даражасида тегишли ҳуқуқий асослар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан лойиҳа ишлаб чиқилди.

Лойиҳада фавқулодда ҳолатни жорий қилишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар акс эттирилган. Жумладан, фавқулодда ҳолатни жорий қилиш вазияти ва тартиби, фавқулодда ҳолатда қўлланиладиган чоралар ҳамда чеклашлар, фавқулодда ҳолат амалда бўладиган давр учун жорий этиладиган махсус давлат бошқарув органлари, фавқулодда вазият шароитида жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатлари, фавқулодда ҳолат шароитларида судларнинг фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа махсус қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Албатта, мазкур қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқаруви тизими орқали самарали ва тезкор фавқулодда чораларни қўллашга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилишда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга имкон яратади. Зеро, халқимизнинг хавфсизлиги, хотиржамлиги ва тинч-тотувлиги энг катта бойлигимиздир.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

КУЧИМИЗ — БИРЛИК, АҲИЛЛИКДА

Наврўзи олам қалбларимизга, хонадонларимизга ёруғлик, шоду хуррамлик, эзгулик олиб кириши билан бизга ҳамиша қадрли ва суюклидир. Бу байрамнинг шукуҳи кейинги йилнинг Наврўзига қадар бизни тарк этмайди.

Ўтган йили барчамизга синов йили бўлди. Халқимизга хос эзгу фазилатлар бу мураккаб даврдан соғ-омон ўтишимизнинг сабабларидан биридир. Эътиборлиси, энг муҳим паллаларда бизга куч берган тотувлик, бирдамлик, ўзаро меҳр-оқибат, саховат каби тушунчалар Наврўзда бутун мазмун-моҳияти билан яна бир бор намоён бўлади.

Президентимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида бу ҳақда фикр билдирар экан, чиндан ҳам, бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳиллиқда; бизнинг қудратимиз — меҳр-оқибат, ўзаро кўмак ва саховатда; бизнинг ютуғимиз эртанги кунга бўлган юксак ишончимизда эканини таъкидлади.

Бу эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлаш билан бирга, биз маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларига зиммамиздаги масъулиятни яна бир бор чуқур англаб, белгиланган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ундайди.

Фаррух ШУКУРОВ,
Учтепа туманидаги "Ҳамдўст" МФЙ раиси.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОЕВ

Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев шу йил 22 март куни 88 ёшида вафот этди.

Худойберди Тўхтабоев 1932 йил 17 декабрда Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилди. 1955 йил Тошкент давлат университетини тамомлади.

У ўзининг меҳнат фаолиятини 1955 йилда ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик "Тошкент ҳақиқати", "Совет Ўзбекистони" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газеталарида адабий ходим, "Шарқ юлдузи" журналида бош муҳаррир ўринбосари, республика ёшлар нашриёти, "Гулхан" ва "Ёш куч" журналларида бош муҳаррир лавозимларида самарали меҳнат қилиб, миллий адабиётимиз ва матбуотимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Кейинчалик республика "Истеъдод" жамғармаси ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия фондининг раҳбари вазифаларида фаолият олиб борди.

Катта билим ва тажрибага эга мураббий адиб сифатида узоқ йиллар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг болаларга мўлжалланган "Ўйла, изла, топ!" дастурига бошчилик қилди.

Худойберди Тўхтабоев ўзининг чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бадиий юксак ижоди билан ўзбек болалар адабиётининг забардаст намояндасига айланди.

Истеъдодли адиб олтмиш йилдан зиёд давом этган ижодий фаолияти мобайнида "Шошқалоқ", "Сўқмоқлар", "Муҳаббат қўшиғи", "Жонгинам, шартингни айт" сингари ҳикоялар тўпламлари, "Сир очилди", "Омонбой билан Давронбой саргузашти" қиссалари ҳамда "Сариқ девни миниб", "Сариқ девнинг ўлими", "Беш болали йигитча", "Қасоскорнинг олтин боши", "Йиллар ва йўллар", "Ширин қовунлар мамлакати", "Мунгли кўзлар", "Жаннати одамлар", "Қиз талашган ўсмирлар", "Қуёнлар салтанати", "Қиз болага тош отманг" романларини яратди.

Айниқса, ёзувчининг "Сариқ девни миниб" романи юртимиз ва дунё миқёсида жуда катта шуҳрат қозонди. Мазкур асар қирқдан зиёд хорижий тилларга таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда чоп этилган.

Мустақиллик йилларида адибнинг ижодий ва ижтимоий фаолияти янада ёрқин намоён бўлди. У ёш авлод вакилларини юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш билан бир қаторда, жамиятимизда адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилишга ҳам муносиб ҳисса қўшди.

У тажрибали ижодкор, жонкуяр ташкилотчи сифатида кўплаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Худойберди Тўхтабоевнинг ўзбек адабиёти ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ ёзувчиси", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти ҳамда "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди.

Атоқли ёзувчи, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Худойберди Тўхтабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. САИДОВ, И. ҒАФУРОВ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ РОЛИ

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Аввалambор, ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ҳамда шаҳарларда маъмурий судлар ташкил этилди. Тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш мақсадида иқтисодий судлар фаолияти йўлга қўйилди.

Қонун ва ижро

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда очиқ, ошкора ҳамда муқобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Судьялар олий кенгашининг мустақиллигини янада кучайтириш учун унинг таркибидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари чиқариб ташланди.

Илғор хорижий давлатлар тажрибаси асосида илк бор судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Суд тизими ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Судьялар олий мактабига асос солинди.

Судларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш учун эса Олий суд ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тузилди.

Вилоят судлари томонидан ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялар тугатилди.

Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси ташкил этилди. Ўтган давр мобайнида комиссия ташаббуси билан судларни моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласида вилоят ҳокимликларига парламент сўровлари юборилди. Судлар фаолиятини молиялаштириш юзасидан Молия вазирлигининг ахбороти парламентда эшитилди.

Судьялар дахлсизлигига тажовуз қилиш ҳолатлари комиссия томонидан танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди, бу борада тегишли қарор қабул қилиниб, ижро учун мутасадди идораларга юборилди.

Судьяларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш, судьяларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида низомлар тасдиқланди.

Бугун замон ўзгаряпти, одамларимиз ўзгаряпти. Фуқароларимизнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки кенгайяпти, давлат органлари халқ манфаатидан келиб чиқиб, очиқ ишлашига ҳаётнинг ўзи мажбур этяпти, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назорати кундан-кунга кучаймоқда, мулкдорлар сони кўпайиб, хусусий мулк ҳимоясига эътибор ошяпти, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ортяпти.

Буларнинг барчаси эндиликда замонавий ва ўз ҳуқуқини яхши танийдиган фуқароларимизнинг эҳтиёжини қондира оладиган, яъни ҳар қандай низони адолатли ҳамда тез ҳал қилишга қодир бўлган суд тизими бўлишини ҳам тақозо этмоқда.

Бинобарин, ўтган йили парламент аъзолари томонидан жойларда олиб борилган мулоқотлар давомида суд ишларида ортиқча бюрократия, суд қарорларини қайта кўришда такрорловчи босқичлар ва бошқа бир қатор масалалар жамоатчилик вакиллари томонидан айтиб ўтилган эди.

Айтиш жоизки, шу йилнинг 8 февраль куни Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун ва 12 январда имзоланган "Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга асосан юқоридаги аксарият масалалар ўз ечимини топди.

Хусусан, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда иқтисодий судлар негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари ташкил этилди. Бу эса жойларда ягона суд амалиётини шакллантиришга, судларнинг тарқоқлиги туфайли фуқаролар ҳамда тадбиркорлар сарсон бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Эндиликда туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилди ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилди. Бу, ўз навбатида, маъмурий судларнинг муайян тумандаги маҳаллий ҳокимият органларининг турли тазйиқларидан холи ва мустақил фаолият юритишлари, бундай судлар фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган асл мақсад, яъни фуқаролар ҳамда тадбиркорларни давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳамда қарорларидан суд орқали ҳимоялаш учун янада қулай шароит яратишдир.

Прокурорнинг судда иштирок этиши тартиби илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларга мослаштирилмоқда. Жумладан, давлат айбловчиси айбловдан воз кечган тақдирда реабилитация асосларига кўра жиноят ишини тугатиш, тарафлар мурожаати мавжуд бўлган ҳолдагина прокурор томонидан суддан ишларни чақириб олиш, бошқа шахсларнинг ташаббуси билан қўзғатилган фуқаролик ҳамда иқтисодий ишларнинг кўрилишида прокурор ўз ташаббуси билан қатнашишини истисно этиш назарда тутилмоқда. Қонунга бундай қоидаларнинг киритилганлиги, албатта, суднинг мустақиллигини, тарафларнинг судда тортишувчанлик ва тенглиги тамойилини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Эътиборлиси шундаки, Қонун билан ортиқча суд босқичларини бекор қилиш орқали "бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилди. Бундай тартибнинг ўрнатилиши натижасида суд-да ҳар бир иш бўйича якуний тўхтамга келиш орқали суд қарорларининг барқарорлиги таъминланади ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлар сарсон бўлишининг олди олинади.

Бугунги кунда Олий суд тузилмасида Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш бошқармасининг тузилиши эса суд ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги фаолиятида профессионал иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бу ҳолат амалда ўзининг самарасини кўрсатяпти. Масалан, биргина 2020 йилда 10 га яқин қонун лойиҳалари Олий суд томонидан парламент қуйи палатасига киритилган. Энг асосийси, Олий суд томонидан нафақат судлар фаолиятига оид, балки айнан мулкдорларни ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам ташаббус қилинди.

Олий Мажлис қуйи палатаси депутатлари томонидан ҳудудларда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масаласида мулоқотлар олиб борилди, 3 мингга яқин респондентлар орасида аноним сўровлар ўтказилди.

Ўрганиш давомида фуқаролар ва тадбиркорлар муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг қарори ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланишаётганлиги маълум бўлди. Хусусан, охирги бир ярим йил ичида судлар томонидан ҳокимларнинг ер ажратиш, бино-иншоотларни бузиш ва хусусийлаштиришга оид 2 мингдан ортиқ қарорлари бекор қилинган.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани судга мурожаат қилишда, ишларни судда кўриб чиқишда қулайлик яратмоқда. Хусусан, келиб тушган даъво ариза ва суд ишларини электрон тартибда рўйхатдан ўтказиш, процессуал муддатларга риоя қилиниши устидан онлайн мониторинг юритиш имкониятини берувчи электрон база фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, тизимни янада ривожлантириш учун ўз ечимини кутиб турган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, амалдаги жиноят қонунчилигида тарафларнинг ярашуви муносабати билан жиноят ишларининг тугатилиши белгиланган. Бироқ маъмурий судлов соҳасига яраштирув институти жорий этилмаган. Бу эса турли маиший, оилавий низоларни халқимизга хос бўлган муроса йўли билан ҳал қилиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка ярашув институтини киритиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маъмурий ҳуқуқбузарликлар, уларга белгиланадиган жазо, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари ягона кодексда, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган. Ушбу кодекс бундан 26 йил олдин қабул қилинган бўлиб, унга ҳозирги кунга қадар 140 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шунга мувофиқ, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик процессуал кодекси лойиҳаларини алоҳида-алоҳида тайёрлаш лозим.

Суд ҳужжатининг барча учун мажбурий эканлиги, аввало, Конституциямизда мустаҳкамланган. Юртимизда суд қарорларини ижро этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Лекин номулкий низолар бўйича чиқарилган қарорлар, айниқса, маъмурий судлар томонидан мансабдор шахснинг ноқонуний қарорини бекор қилиш, мажбурият юклаш каби қарорларини мажбурий ижро этишда ўз ечимини кутиб турган масалалар бор. Шунга мувофиқ, судлар томонидан ижро варақаси берилмайдиган ишларнинг мажбурий ижросини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий давлат қуришда суднинг ўрни беқиёс. Ушбу ҳокимият тармоғида бугун юзлаб фидойи инсонлар, адолат тарозисини ушлаб турган касб эгалари фаолият кўрсатмоқда. Шунга мувофиқ, "Судьялар ва суд ходимлари куни"ни белгилаш ҳақидаги қонун устида ҳам бош қотириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

БУГУНГИ ЎЗБЕК АЁЛИНИНГ КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Айни кунларда Тошкент вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийиниш маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган "Нафосат" фестивали ўтказиляпти. Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестиваль

Фестивалнинг дастлабки кунида Тошкент тумани Маданият марказида вилоят дизайнер ва ҳунармандлари томонидан яратилган миллий либослар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўнгги йилларда юртимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган алоҳида таъкидланди.

Хусусан, ижтимоий ҳаётда аёллар ўрни ортиб борган сари уларнинг кийинишга, умуман, ташқи кўринишига эътибор ҳам асосий ўринга чиқиши айтилиб, хотин-қизлар ўртасида миллий ва замонавий руҳдаги, ўзлигимизга мос кийимлар андозасини мунтазам равишда тарғиб қилишни даврнинг ўзи тақозо этаётгани қайд этилди.

Фестиваль доирасида вилоят ёш дизайнерлари ўртасида миллий ва замонавий андозаларни чизиш бўйича "Ёш дизайнер" танлови ҳамда ёшлар модаси, анъаналар ва замонавий йўналишлар мавзуларида сўровномалар ўтказилди.

Шунингдек, хорижлик ва ўзбекистонлик дизайнерлар, ёшлар ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз корхоналари фаолияти тўғрисидаги "Made in Uzbekistan" номли лавҳа намойиш этилди.

"Аёллар ва ёшлар орасида кийиниш маданияти" мавзуида семинар-тренинг ҳам уюштирилди. Унда қатор маҳаллий ҳамда чет эллик мутахассислар ва дизайнерлар иштирокида замонавий ўзбек аёлининг имижи масаласи атрофлича таҳлил қилинди.

Либослар кўргазмасида ёш дизайнерлар ўз асарлари билан қатнашди.

«Халқ сўзи».

ФАРҒОНАДА ЖИНСИ ШИМЛАРИ ТИКИЛАДИ

Наврўз шукуҳи кезаётган шу кунларда Фарғона шаҳрида жинси матосидан эркаклар шимларини ишлаб чиқарувчи "CONSTANT TRADING" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади.

Интилиш

Лойиҳанинг умумий қиймати 4,1 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 1,64 миллион доллари тадбиркорнинг ҳамда 2,64 миллион доллари хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Ускуна ва дастгоҳлар Туркия ҳамда Хитой давлатидан олиб келинди.

Корхонанинг очилиш маросимида иштирок этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мамлакатимизда тадбиркорларга берилаётган эътибор ва рағбат шу каби объектлар ишга туширилишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Яқин истиқболда фаолият кўламини кенгайтириб, нафақат ички бозор, балки хорижга ҳам кенг ассортиментдаги маҳсулотларни экспорт қилмоқчимиз, — дейди корхона раҳбари Алишер Хўжаев. — Айни пайтда бу ерда 207 та янги иш ўрни яратилиб, асосан, Фарғона шаҳридаги "аёллар дафтари"га киритилган ишсиз хотин-қизлар жалб этилди.

Иш бошлаган аёлларга вилоят ҳокими байрам совғаларини топширди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

ЯНА БИР КЛАСТЕР ИШ БОШЛАДИ

Наврўз байрами арафасида Денов туманида "Денов ёғ-мой кластер" масъулияти чекланган жамиятининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Бандлик

Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, туман ҳокими Рустам Пардаев ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Тадбиркор Абдуғани Саидовнинг ташаббуси билан иш бошлаган ушбу кластер йирик лойиҳаларнинг бешинчиси. Корхонада йил давомида 30 минг тонна чигит ва кунгабоқар қайта ишланиб, 180 миллиард сўмлик маҳсулот ички ҳамда ташқи бозорга чиқарилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 70 миллиард сўмни ташкил этади.

Эътиборлиси, корхонада 300 та янги иш ўрни яратилиб, унга, асосан, "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"ига киритилган фуқаролар жойлаштирилмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

УЙ-ЖОЙГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Мамлакатимизда охирги йилларда аҳоли сонининг ошиб бориши билан уларни уй-жой билан таъминлаш демократик хусусиятга эга бўлиб бормоқда. Фуқароларнинг турaржойга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида янгича кўриниш ва мазмун касб этганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шу билан бирга, хусусий мулкчиликка алоҳида эътибор берилиши муносабати билан турaржойларни хусусийлаштириш, якка тартибда уй-жой қуриш, давлатга тегишли бўлмаган турли ташкилотларнинг турaржойларни қуриши ва уларни сотиши каби аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш йўллари яратилмоқда.

Нуқтаи назар

Юртимизда бир қатор давлат дастурлари доирасида одамлар турмуш даражасини яхшилаш, замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, янги инфратузилмаларни шакллантириш, мамлакатимиз ҳудудлари қиёфасини бутунлай янги бир босқичга кўтаришга қаратилган тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Яқинда қабул қилинган "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан аҳолининг муҳтож қатламларини уй-жойли қилиш бўйича янгича, замонавий ижтимоий адолат тизими яратилди. Яъни давлат томонидан ҳам аҳолига, ҳам қурувчиларга катта имтиёзлар берилмоқда.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, 2021 йилда 54 минг оилани уй-жой билан таъминлаш назарда тутилган. Давлат ипотека дастури доирасида жами 45 мингта ёки ўтган йилдагига нисбатан 2 баравар кўп уй-жойлар қурилиши ва оғир турмуш шароитига тушиб, бошпанасиз қолган мингта оила, айниқса, аёлларга "ижтимоий уй-жойлар" имтиёзли ижара асосида ажратилиши режалаштирилган.

Жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитларни ажратиш тартиби мамлакатимизнинг барча ҳудудида жорий этилади.

Бу Фармон амалиётда ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини арзон, сифатли, шинам ва ҳар томонлама қулай уй-жойлар билан таъминлаш даражасини оширишга хизмат қилади, албатта.

Арзиқул СОАТОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЭЪЛОНЛАР

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзмелиомашлизинг» давлат унитар корхонаси ўзининг 2020 йилги молия-хўжалик фаолияти натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудит ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилишини эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши зарур:

— Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши;

— устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналар ташқи аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида туриши;

— йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам аудит хизматлари ўтказиш тажрибасига эга ва етарли малакадаги ходимлар бўлиши.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— аудиторлик ташкилотининг лицензияси ҳамда гувоҳномаси нусхаси;

— аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар, кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда, қуйидаги манзилда 2021 йилнинг 9 апрель куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Саволлар юзасидан 78-150-36-11 телефон рақами орқали шанба ва якшанба кунларидан ташқари, соат 9.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Белгиланган вақтдан кейин берилган аризалар эътиборга олинмайди.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Новза кўчаси, 14-уй. «Ўзмелиомашлизинг» ДУК. Телефон/факс: 71-239-46-24.

ТАЪСИСЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА

«Чирчиқ деҳқон бозори» МЧЖ бошқаруви жамиятнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси жорий йилнинг 27 март куни соат 12.00 да бозор маъмурий биносида ўтказилишини маълум қилади.

Таъсисчилардан шахсан иштирок этиш ёки вакил юборишлари сўралади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 11.00 дан 11.30 гача.

Жамият таъсисчиларининг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартиби:

1. Устав фондини ошириш;
2. Бошқа масалалар.

Йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш тартиби: таъсисчилар учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат, таъсисчи вакили учун шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда ишончнома орқали амалга оширилади.

Манзил: Чирчиқ шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 30-уй, Чирчиқ деҳқон бозори. Телефон: 70-715-04-55.

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 24 март

Ҳаётга теран назар ташламоқ керак

1 Президентимиз раҳнамолигида битта мақсад — халқнинг турмушини яхшилаш, талабини қондиришга қаратилган кенг миқёсли дастурлар амалга оширилмоқда. Натижага эса сабр билан, ҳаракат ҳамда бирдамлик билан эришилади.

Инсон қачон бой бўлади? Қачонки, қалбида шукроналик бўлса. Борига шукр айтиб, йўғига сабр қилиш неъматларнинг зиёда бўлишига сабабчи омилдир. Ҳар қандай неъмат шукр билан зиёда, шикоят билан нуқсонлидир. Неъматлар ичида энг афзали — юрт тинчлиги. Осойишталик бор жойда ота-оналар фарзандларини ўқишга, ишга кузатишади, тинчликка путур етган элда эса фарзандлар жанггоҳларга отланади.

Бундан уч йил муқаддам хизмат сафари билан Туркиянинг Усмонли шаҳридаги суриялик қочоқлар лагерида бўлдим. У ерда минглаб оилалар вақтинча тикланган ётоқхойларда кун кечиришарди. Бир куни кичкинтой ўғлининг қўлидан тутганча, бутун лагерь бўйлаб кўнгиллилар амалга ошираётган ишларга маҳзун қараб турган кишини учратдим. Бу — суриялик Абдул исмли қочқин экан. Ундан бунчалик қайғусининг сабабини сўрадим. “Мен фақат болаларимнинг келажаги яхши бўлишини истайман, холос... Бу дунёда бошқа истагим ҳам қолмади. Уйимизга бомба тушиши туфайли уч ёшли фарзандимдан ажраладим...” деди у.

Бу жавобдан мен ҳам маҳзун тортдим. Афсуски, Абдул каби тақдирнинг қақшатқич зарбасига учраганлар бу ерда кам эмасди.

Бундай одамлар дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кўплаб топилади. Боласининг жонсиз танасини қучоқлаб фарёд чекаётган ёки фарзандларининг келажагини ўйлаб, ота-бобоси минг йиллардан буён яшаб келган қадрдон юртини ташлаб кетишга мажбур бўлаётган ота-оналар қанча?!

...Яманда 23 миллион аҳоли урушлар туфайли очлик ва қашшоқликка йўлиққан. Суриянинг 6 миллион, Ироқнинг 2 миллион фуқароси қочоққа айланган. Афғонистонни гапирмаса ҳам бўлади. Расмий маълумотларга кўра, афғон аёлларининг 85 фоизи, эркакларнинг эса 51 фоизи саводсиз. Қишлоқ жойларда ҳаттоки 8 — 10 ёшли қизчалар ҳам турмушга узатилади. Ҳар 100 минг кўзи ёриган аёлдан 1 600 нафари вафот этмоқда. Бу мамлакатда аёллар ўртача 44 йил умр кечиради. Қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида давом этиб келаётган уруш туфайли камида 1,5 миллион аёл бева қолган, уларнинг ўртача ёши 35 да...

Шукрки, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд юртда яшамоқдамиз. Шу сабабли бизга Афғонистондаги вазият қўрқинчли тушдай кўринади. Шундай экан, бундай фаровонликнинг, тўкин-сочинликнинг, хотиржамликнинг қадрига етайлик.

Халқаро ташкилотлар берган маълумотга кўра, коронавирус пандемияси туфайли дунё бўйича 800 миллионли очлар ва қашшоқлар “армияси” яна 150 миллион кишига “бойиди”. Қорни овқатга, кўзи уйқуга, қалби ҳаловатга тўймаган ота-оналарни, болаларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а.

Бугун мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳимояси борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан савдо алоқалари кенгайгани, чегаралар очилгани, мамлакатимиз глобал саҳнада фаоллашгани, ҳукумат долзарб масалалар юзасидан халқаро ҳамжамият билан мунтазам мулоқотда бўлиб тургани, хусусан, сўз ва матбуот эркинлиги борасида ҳам камчиликларни тан олиб, ўзгаришларга дадил ҳаракат қилинаётгани олқишланмоқда. Мамлакат раҳбарининг ўзи бош-қош бўлиб, ташаббус кўрсатиб, жасорат билан фуқароларини ҳимоя қилаётгани дунёдаги кўпчилик сиёсатчилар учун намуна, деб ўйлаймиз.

> *Мустақиллик берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бу йил энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Уларни санаб саноғига етиш қийин. Айниқса, кейинги йилларда ислоҳотлар мисли кўрилмаган даражада жадал тус олди. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Эришилаётган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ютуқ ва марраларимиз мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.*

Масалан, ўзга юртдан жаннат қидириб, юртини ташлаб кетган, алданган, адашган, охир-оқибатда хўрланган, топталган ватандошларни кечириш, юртга қайтаришнинг ўзи бўлди, деб ўйлайсизми? Бунинг учун метиндек ирода, жасорат, инсонийлик керак. Сурия нинг таҳликали, нотинч лагерларидан, жанг ҳарақатлари ёнидан ўтиб, ўз ҳудудида ўз фуқароларига етарли ғамхўрлик кўрсатмаётган юртлар борлигини биламиз. Уйсиз-жойсиз, бошпанасиз аҳоли қанча? Манаман деган давлатларда ҳам кўчада ётиб юрган фуқароларни кўряпмиз. Биргина қудратли АҚШда 34 миллион камбағал, уйсиз инсонлар борлигини эшитганмисиз? Бизнинг мамлакатимизда эса ночор, ногиронлиги бор шахсларга янги уйларнинг калитлари тутқазиляпти, йиқилса турғазиб, тўғри йўлга бошланяпти.

Мустақиллик берган имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Бу йил энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 30 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мана шу ўтган давр мобайнида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Уларни санаб саноғига етиш қийин. Айниқса, кейинги йилларда ислоҳотлар мисли кўрилмаган даражада жадал тус олди. Лекин шуни ҳам айтиш жоизки, ҳеч бир муваффақият ўз-ўзидан келмайди. Эришилаётган, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ютуқ ва марраларимиз мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир. Шунинг учун ҳам кексаларимиз дуога қўл очганда, дориламон кунларимизга шукрона айтиб, тинч ҳамда фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин, дея ният қилишади. Бундай тилакларда чуқур маъно-мазмун мужассам. Ахир бугун дунёда қанча инсон ёруғ кунлар умидида яшаяпти?! Қанчадан-қанча одамлар турли қарама-қаршиликлар, низолар, молиявий-иқтисодий инқирозлар, табиий офатлар туфайли ҳаловатини йўқотган?! Албатта, улардан тўғри хулоса чиқариш, бизга берилган бебаҳо неъматнинг қадрига етиш мақсадга мувофиқдир.

Сайёрамизда манфаат ва бойлик илинжида олиб борилаётган маҳаллий ва ички урушлар, этник қирғинлар, очарчилик ҳамда молиявий ва иқтисодий инқирозлар сабаб юзага келган қийинчиликлар оқибатида ҳалок бўлаётган болалар сонининг ортиб бораётгани, 2006 йилдан бошлаб дунё бўйича бу кўрсаткич йилига қарийб 10 миллион нафарни ташкил этаётгани ҳар қандай одамнинг юрагини ларзага солади. Бегуноҳ гўдакларнинг ҳаётига зомин бўлаётган бу балоларнинг ортида, аввало, қашшоқлик, очарчилик, санитария ва тиббий хизматлар сифатининг пастлиги, ижтимоий тенгсизлик каби муаммолар ётади.

Мустақил Ўзбекистонга ҳам “қизил империя”дан улкан ва оғир муаммолар мерос бўлиб ўтганини унутмаслик керак. Биз истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқлардаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби офатлар билан юзма-юз қолгандик. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфланган. Шукрки, олиб борилган оқилона ички ва ташқи сиёсат, мамлакатни демократлаштириш бўйича танлаб олинган моделнинг ҳаётийлиги туфайли ана шу оғир машаққатларни ижтимоий ларзаларсиз енгиб ўтишга эришдик.

Бугун тараққиётимизнинг “Янги Ўзбекистон — янгича қарашлар” деган ҳақиқатини кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият юқори баҳоламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида пандемия оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш учун давлат томонидан жами 82 триллион сўмлик комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, коронавирусга қарши курашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўмдан кўп маблағ йўналтирилди. Шунингдек, давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари ҳамда қарийб 8 миллион фуқароларга жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

Ҳаммамиз кўряпмиз, пандемия шароитида дунёда нималар бўлаётганини. Бошқа мамлакатларда қурилишлар “музлатиб” қўйилган ҳолатлар ҳам бўлди. Лекин Ўзбекистонда бунёдкорлик ишлари бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Масалан, энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлиб, 2 700 мегаватт қувватга эга. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ва илк бор 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган ҳодисаларнинг ўзи ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан сабоқ чиқаришга ундайди. Бу ҳақиқат шундан иборатки, баъзи давлатлар ўртасида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга уринишлар тинганича йўқ. Ҳар бир низо ва можаро ортида у ёки бу давлатга иқтисодий босим ўтказишга интилишлар ётганини мутахассислар бежиз таъкидламаяпти. Энг ёмони — ёш мустақил давлатларни танлаб олган тараққиёт йўлидан, янги жамият қуришдаги саъй-ҳаракатларидан қайтармоқчи бўлаётганлар ўзларининг ғаразли ниятларига, аввало, дунёқараши тўла шаклланиб улгурмаган ёшларнинг маънавиятини бузиш, халқларнинг азалий урф-одатлари, қадриятларига бегона ғоялар билан зарба бериш орқали эришмоқчи бўлаётганини сезиш учун катта сиёсатчи бўлиш шарт эмас. Шундай экан, ҳаётга теран назар ташламоғимиз керак.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
шарҳловчи.

SANOAT QURILISH BANK

ҲАМ ЭКОЛОГИК, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОР

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» РЕСУРСТЕЖАМКОР, ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН ХАВФСИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЯЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА.

Камхаражатли, самарадор, даромадли ва ижтимоий фойдали.

Бугун жаҳон иқтисодиётида ушбу талабларга жавоб берувчи технологияларга катта эътибор қаратилаётир. Мамлакатимизда бу борада халқаро молиявий ташкилотлар билан изчил ҳамкорлик қилинаётгани ўз натижасини бермоқда. Хусусан, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва Жаҳон банки ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ушбу йилларга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқилган. Унда “яшил инвестиция”ларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, “яшил кредит”лаш, “яшил иқтисодиёт”га ўтиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни фаоллаштириш, шунингдек, “яшил инвестиция”ларга нисбатан банк тизимини рағбатлантириш масалалари белгилаб олинган.

Айтиб ўтганимиздек, “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида ушбу механизм асосида кредитлаш амалиётлари Жаҳон банки билан ҳамкорликда уддалаб келинмоқда.

Молия муассасаларида

«Яшил иқтисодиёт» нима ўзи?

Бу саволга жавоб топиш учун сал олдинроққа, яъни БМТнинг 1972 йилда Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган конференциясига эътибор қаратиш зарур. Чунки айнан шу куни “5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни”, дея эълон қилинганди. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Жумладан, табиат ва унинг неъматларига нооқилона муносабат оқибатида кўплаб экологик муаммолар вужудга келаётганди. Ачинарлиси, бугунги кунда ҳам ушбу масаланинг долзарблиги ошса ошяптики, асло пасаяётгани йўқ. Дунё миқёсида йилига қарийб олти миллион гектар ер чўлланишга учраётгани, олтмиш мингга яқин ўсимликлар, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида эканлиги, аҳоли кўпайиши ҳамда янги ерлар ўзлаштирилиши ҳисобига сувга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётгани бунинг исботидир. Демак, юзага келаётган муаммоларни биргаликда ҳал этиш, саноатда энергия тежамкор технологияларни қўллаш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, умуман, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳамжиҳатликда иш олиб бориш зарур.

Шу боис “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан 2018 йилдан бошлаб Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки маслаҳатчилари кўмагида ишлаб чиқилган трансформация дастурида “Green banking” лойиҳасига қўл урилгани, аниқроғи, бу бўйича алоҳида департамент ташкил этилгани диққатга сазовордир. Мазкур департамент фаолияти ҳам ўзига хос. Яъни жамоа фақат банк ходимларидан иборат эмас. Таркибида иқтисодчилар, эколог олиму мутахассислар ҳам бор. Демак, амалга киритилаётган, молиялаштирилаётган ҳар бир лойиҳа чуқур ўрганилади, таҳлил қилинади. Ишга олиш жараёни ҳам осон кечмайди — ҳар бир ходим Халқаро молия корпорацияси ташкилоти талаблари асосида қабул қилинади.

— Айни пайтда банкимизда трансформация ишлари давом этмоқда, — дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Green banking” департаменти бошқарма бошлиғи Бобур Султонмуродов. — Бу жараёндаги устувор ишлардан бири сифатида “Green banking” белгиланган. Шундан келиб чиқиб, банкимиз томонидан бир қатор вазифалар белгилаб олинган ва улар босқичма-босқич бажариб келинмоқда.

Умуман олганда, департаментимизнинг асосий мақсади “яшил лойиҳа”ларни молиялаштириш ҳисобланади. “Яшил лойиҳа”лар деганда, ижтимоий, экологик лойиҳалар назарда тутилади. Шу билан бирга, тадбиркорларга қулай фоиз ставкаларида кредитлар тақдим қилинади. Янги иш ўринлари яратилади. Ажратилган сармояга эса энергия самарадор ускуналар сотиб олинади. Бу борада банкимиз ўзига хос тажрибага эга. Яъни Жаҳон банкининг “Саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш” линияси доирасида жами 91 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар жалб қилинган бўлиб, улар 20 та лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилган.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, янги маҳсулотлар ўзлаштирилмоқда

Дарҳақиқат, банк томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар туфайли самарадорликка эришган ёки бунга яқин турган корхоналар сони ортиб бормоқда. “В.П. Галперин номидаги Тошкент труба заводи” масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири.

Мазкур корхонага банк томонидан 35 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Заводда турли ҳажмдаги қувурлар, иссиқлик ўтказгичлар (арматура симли новда), маҳкамлагичлар, пайвандлаш симлари, электрод каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Қайд этилганидек, объект иқлим ва экология барқарорлигини таъминловчи, энергия тежовчи илғор технологиялар билан жиҳозланган, зарур хом ашё базаси таъминланган. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 350 минг тонна пўлатдан ясалган металл буюмлар етказиб беришга тенгдир.

Корхонага берилган маблағ эвазига зарур технологик линиялар келтирилиб, ишга шай қилиб қўйилган. Шу йилнинг сентябрь ойида дастлабки маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Энг муҳими, бунинг натижасида йилига 20,8 фоиз энергия тежалади. Яъни бир йилда 2789,9 минг кВт/соат электр энергияси, 1440,78 минг куб метр табиий газ иқтисод қилинади. Буни пулга чақадиган бўлсак, 1055,23 миллион сўм корхона ихтиёрида қолади, деганидир. Яна бир жиҳати — атроф-муҳитга, экологияга таъсир камаяди. Қўшимча 150 киши иш билан таъминланади.

Яна бир гап. Рулонли металл шу пайтгача мамлакатимизга четдан олиб келинар эди. Яъни бизда йилига 600 минг тонна шундай маҳсулотга эҳтиёж бор. Лойиҳа тўлиқ ишга тушганидан кейин йилига 500 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг навбатдаги “яшил лойиҳа”си “Pergament quality exclusive” корхонасида амалга оширилмоқда. Яъни мазкур корхонага банк томонидан Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияси маблағлари ҳисобидан 3 миллион 825 минг евро эквивалентига тенг кредит маблағи ажратилди. Натижада флизелин асосидаги винил гулқоғозлар ишлаб чиқарувчи корхонанинг иккинчи линияси ишга туширилиш арафасида.

— Ушбу линия тўлиқ ишга туширилгач, ишлаб чиқариш қарийб икки баробарга ортади, — дейди корхона вакили Ирода Мансурова. — Лойиҳанинг биринчи босқичида корхонамиз қуввати йилига 2 миллион 640 минг ўрам гулқоғоз ишлаб чиқаришга етган бўлса, эндиликда у бундан 2 баравар кўп ишлаш имконига эга бўлди. Бу экспорт ҳажми, табиийки, валюта тушуми ҳам ортади, дегани.

“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг “яшил кредит”лари рақобатни оширадиган ҳамда атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатадиган, даромадли фаолиятни молиялаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бошқача айтганда, “яшил лойиҳа”лар табиатга минимал таъсир кўрсатиши, “яшил технология”лар эса анъанавийларига қараганда тежамкор, лекин самарадорлиги билан ажралиб туради. Афзаллиги энергия ва табиий ресурсларни тежаш баробарида, маҳсулот таннархи арзонлашиши, маиший чиқиндиларнинг зарарсизлантирилиши ва қайта ишланишида намоён бўлади. Демак, у корхоналар учун ҳар томонлама қулай ва фойдали.

Умуман, “яшил кредит” деганда, фақат янги ёки мавжуд бўлган “яшил лойиҳа”ларни тўлиқ ёхуд қисман молиялаштиришга тақдим этиладиган ҳар қандай турдаги кредит тушунилади.

Банк томонидан шу даврга қадар молиялаштирилган ана шундай лойиҳалар ҳисобига металлургия, нефть-газ, кимё, электр энергияси ва бошқа тармоқларда 268 975 МВт/соат электр энергияси ва 107 080 м³ табиий газ тежалганлигини қайд этиш жоиз. Молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг 36,5 фоизи металлургия, 34,6 фоизи кимё, 8,9 фоизи нефть-газ, 7,6 фоизи энергетика саноатига тегишлидир.

“Green banking” тизимини ривожлантириш банк трансформацияси жараёнида янада жадаллашмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар дунёнинг йирик молия институтлари ва корпорациялари томонидан юқори баҳоланиб, молиялаштириш учун қўшимча ресурслар таклиф қилинаётгани эса алоҳида аҳамиятга моликдир.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори асосида ишлаб чиқилган стратегия доирасида технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўзда тутилган.

Давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган “яшил мезон”лар киритилади. Иқтисодиёт базавий тармоқларининг энергия самарадорлиги оширилади. Энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш эса рағбатлантирилади. Пировардида иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмалари 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқаради, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказилади. Саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш орқали энергия самарадорлиги 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга оширилади.

“Яшил молия”лаштириш Ер юзининг долзарб экологик муаммоларини ҳал этишга қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар маҳсулидир. Бунда муқобил энергетика соҳасида илғор технологиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш алоҳида ўрин тутади. Шу боис “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ушбу механизм устувор йўналишлардан бири сифатида қабул қилиниб, муассасада кредитлашнинг ушбу усулини яқин истиқболда 70 — 80 фоизга тенглаштириш белгилаб олингани диққатга сазовордир.

Банк ахборот хизмати маълумотлари асосида
Д. УЛУҒМУРОДОВ тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.50 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6